

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТЕБУОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 52 (65928)
1996 йил, 24 июль, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Кўнгилларга ором берар гўзал ёзнинг ҳар они

ЗАРЕМА

Зарема эгнига оқ халат, бошига оқ дуррача уради-да, онаси билан бирга ферма ичкарасига кирди. Озода, кенг хонада ковш қайтарётган сигир уларни куриб секингина маъраб қўйди.

— Қизим, мана бу «Қашқа» булади, — деди онаси пешонасида қора қашқаси бор сигирни курсатиб, — жонивор энг кўп сут берадиганлардан.

— «Қашқа»жон, менинг қизим ҳам сут соққани келди, кўп-кўп бергин-а... — Она «Қашқа»ни шундай сўзлар билан эркалаб, яғринини силади. Кейин унинг елинини топ-тоза қилиб артиб, соғишга тушди.

«Қашқа»нинг сути кўп экан. Зарема ҳам соғишиб юборди. Кейин бошқаларига навбат келди. Ферма ўзлариники, сигирларга, бузоқларга ўзлари овқат беришади, ўзлари ювиб-тарашади. Шунинг учун ҳам сут, қуюқ, қаймоқ сероб.

Зареманинг бобоси Малик ота фермани хусусийлаштириб олганидан

кейин ишлари ҳам кўпайди, рўзгорларига ҳам барака кирди. Аввалига уларга 530 бош қорамол, 20 та йилқи, ем-

ган булсин-да», деган ҳаёл билан қозикдаги кўйлагини кийиб, кучага йуналди.

кари булса, отига миниб бораверади. Уйга совринсиз қайтмайди.

Отаси Журабек аканинг айтишича, фермада 5 та чавандоз от бор экан. «Ахтун» лақабли от эса ута чопқир, курикларда яхши қатнашаркан.

Нурлан «Ахтун»ни ташқарига олиб чиқиб, сой томонга етаклади. Бир неча қадам юрганидан кейин сақраб миниб олди. Енгил қамчи урди. Жонивор чопқилиб кетди. От устида яйраб бораётган болакайнинг қувончдан кўзлари чақнарди.

Мен Малик ота Алимбоев, уғиллари Журабек, Муродбек, набиралари Зарема, Нурлан билан Бўстонликда танишдим.

Истиклол шарофати билан мен бу ерда хайрли ишлар қилаётган одамларни кўрдим. Улар эртамининг қанотлари.

Абдулхай НОСИРОВ,
журналист.

БУ ҲИКОЯ ТУТ ҲАҚИДА ЭМАС

Бўстонликда марварид, балиқ тутлар кўп. Одамлар тағизга чодир тутиб қўйишади. Утган-кетганлар эса савоб бўлади-да.

Бу ҳикоямиз эса тут ҳақида эмас, шу ердаги «Наврўз» сут-товар фермасининг ишлари, ютуқлари, таътил кунларида бу ерга келиб ота-оналарига кўмак бераётган тенгдошингиз Нурлан, Зарема ва бошқалар ҳақидадир.

хашак учун 190 гектар ер ажратишди, яна техника ҳам беришди. Яқинда улар сутни қайта ишлайдиган цех ҳам қуриб олишди. Энди улар кўрғондаги 7 та болалар богчасига сут, қаймоқ, қатиқ етказиб беришмоқда.

Зарема оқ халатини ечиб ташқарига чиқди...

НУРЛАН

Нурлан уйқули кўзларини ишқалаб, урнидан турди. Муздек сувда юз-қулини ювди. «Ахтун»ни сойга олиб тушмоқчи эдим, отам олиб кетма-

Отхонага кирса отаси «Ахтун»нинг ёлларини силаб эркалаётган экан.

Нурлан ҳам отнинг яғринини силади. Секин шапатилаб уриб қўйди.

— Қалла пишдим, чавандоз буламан, деган одам эрта туради-да, — деди ҳозиргина кириб келган бобоси...

Унинг мана шу бобоси Малик Алимбоевни қишлоқда танимаган одам йўқ. Ҳатто қўшни қишлоқдагилар ҳам билишади. Чунки у киши яхши чавандоз-да. Қарда кўп-

ШОҲИМАРДОН КҮЙНИДА БИР КҮН

Ҳақиқат «Наврўз» хайрия жамғармаси ёзи таътил кунлари гўзал фарғонанинг азамат тоғлар билан ўралган Шохимардон оромгоҳига саяҳат ташкил этиши тошкентлик бир гуруҳ мактаб ўқувчилари қатори мени ҳам жуда хурсанд қилди. Ҳақиқат ҳамшаҳарларим — Дилқоза, Нодира, Зафар, Ёқубовлар, Ҳида Нурматова ва бошқалар билан роҳатли «Мерседес» автобусида қорни гўлқилар ва қўшиқчи шаршаралар дегери Шохимардонга тоғ-саҳарда етиб бордик.

Сайриғиз Оқсой ва Қўқсойлар қўшилиб, айқириб оқабган сой соҳилидаги мезмонхонада қончилиқда бошланди. Ёз тилмасининг ҳазиратасига қарамай, эрталаб жемпер кийишга тўғри келди. Кейин бирлашиб, шаҳаргаки тоноша қила бошладик. Қўқубон томондан эсаётган шабада тақта роҳат бағишласа, Ердоғ тоғининг новбоғрани, жиббагар гўлқилари кўзга қалаштирарди. 234 погонани зинадан кўтарилиб Ҳатза Ҳакимзода Наврўз макбарасини зиёрат қилдик.

Айниқса, оташин шоирнинг мазмунли музейи бизда қайта таассурот қолдирди. Бу ерда Ҳатза Ҳакимзоданинг ҳаёти ва ижоди, замондошлари ҳақидаги подир экспонатлар, ўзбек адабиёти ва санъатининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган аломатларнинг диалоглари қалбимизда муҳрланиб қолди.

Сўз сураётини кўриб хайрон бўлдим. Ҳатза дам олувчилар каби мен ҳам Шохимардон саяҳатидан эсалиқ деб сураётган бўлишим. Фойдали ва хайрли муҳитини эслаётгани қаллимизнинг, баракшоҳда, сўр-ма каби совғаларни ҳарид қилдим. Тоғлар, болалар маскани Шохимардондаги бир куним бир унр қалбимга муҳрланди.

Муножот ФАЙЗИЕВА,
Тошкентдаги 236-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

УЙЧИДАГИ ОРОМГОҲ

Ҳамид Олимжон номли болалар ва усмирлар оромгоҳи Уйчи туманининг сулим гушаларидан бирида жойлашган. Жамоа хужаликлариаро бу богда асосан деҳқон фарзандлари дам олмақдалар. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бир йўлланма баҳоси 1788 сум. Унинг 65 фоизини касаба уюшмалари, қолган қисмини эса жамоа хужалиги бошқаруви тулайди, натижада йўлланма ота-оналарга бепул берилади.

Оромгоҳ 320 уринли бўлиб, 3 мавсумда 960 ўқувчи ҳордик чиқаради.

Болаларнинг кўнгилли ва мазмунли дам олишлари учун барча имкониятлар яратилган. Улар учун санъат ва спорт турлари буйича курик-танловлар, ҳар хил мавзуларда баҳс-мунозаралар ва савол-жавоб кечалари уюштирилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган суҳбатлар дам олувчиларда катта таассурот қолдирди.

Гулнора Қушинова, Сарвиноз Ҳамроева, Зебо Нишоновна каби зукко дам олувчилар «Энг яхши раққоса», «Энг яхши пазанда», «Билимдон ватандошим» сингари курик-танлов ғолиблари бўлишганда улар қанчалик қувонишганини кўрганингизда эди.

Уқишдан буш вақти далада, ота-онасига ердан бериш билан утадиган деҳқон болаларининг ёзи таътили мароқли бўлиши учун туман агросаноат мажмуи касаба уюшмаси қўмитаси раиси Дилбар опа Турабоева, оромгоҳ бошлиғи Баҳодир Пузалов, бош тарбиячи Дамир Халилов ва бош етакчи Маҳмуда Пузаловалар зарур имкониятларни яратиш йулида жонбозлик курсатишмоқда.

Туманда бошқа оромгоҳлар ҳам анчагина. Лекин буниси узгача. Чунки бу ердаги дала болаларининг қувноқ овози саховатпеша она заминимиз нафасини эслатиб туради.

Н. ОРИФЖОНОВ,
Наманган вилояти.



«ГУНЧА»ДА БАЙРОҚ МАДҲИ

Болалигимда уйимизга опаларим учун газеталар қаторида битта журнал ҳам келарди. Гарчи бу журналда нима деб ёзилганини билмасам-да, аммо ундаги расмларни қайта-қайта томоша қилишни жуда яхши қурардим.

Кейинчалик билсам бу «Гунча» журнали экан. Ҳали-ҳануз унга обунаман. Аввал узим, сунгра болаларимга уқиб бераман. Кунни кеча журналнинг июль сони келди. Ушбу сони республикамиз байроғига бағишланган экан. Сафар Барноевнинг шу мавзудаги шеъри билан бошланганди.

—Аяжон, байроқ нима узи? Боғчамизда турган байроқми?—сураб қолди уғлим Алишер.

—Ҳа, худди узи. Академик Алибек Рустамий шундай ёзибди:

—«Байроқ бирор фирқа, ташкилот, уммат, миллат ва унинг давлатининг белгисидир. Буларнинг орасида миллат учун энг муҳими ва унинг мустақиллигини ва халқаро ҳурматга эгаллигини билдирувчи байроқ—давлат байроғидир. Давлат байроғи муқаддас ҳисобланади ва уни эъзозлаб асралади. Уни беҳурмат қилишга йул қуйилмайди, чунки давлат байроғини беҳурмат қилиш, шу давлатнинг ҳамма аҳолисини беҳурмат қилиш билан тенгдир. Байроқлар бир-биридан ранги ва нақшлари билан фарқ қилади. Бизнинг аجدодимиз жуда қадим замонлардан бошлаб уз байроқларига эга булганлар».

Шу кунни уғлимга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировнинг «Байроққа талпинган бола» ҳикояси ва Абдусайд Кучимов, Толиб Йўлдош, Наримон Орифжонов, Тулқин Илҳомовларнинг байроғимиз ҳақидаги шеърларини ҳам уқиб бердим.

Сиз ҳам журналнинг бу сонини албатта уқинг. Унда босилган байроқ ҳақидаги материаллар ҳаётни урганишингизда, кенг фикрлашингизда сизга ёрдам беради.

Феруза ОДИЛОВА.

ЙЎЛДАШ ЙЎЛДОШИМИЗ

*Қўзларга нур башилар
Республикам байроғи.
Оснони кенг тўсаффо,
Ватан — галам ҳар ёни.
Республикам байроғи.*

*Йўлдошдир айқимизда,
Наринар қўлимизда,
Меҳри дилларда яшар,
Сурагани кўлимизда,
Республикам байроғи.*

*Норласа тўрфа рангда,
Қуёш дейсиз, қаран-а,
Зафарларга горловчи
Қора кўзлар қароғи,
Республикам байроғи.*

Миллик — Мустақиллик

*Ҳаммаслақ, ақиллик бу,
Бундан орзулар кўлар
Келажак ерқиллик, бу
Республикам байроғи.*

*Бу шонли Ўзбекистон
Бахтимиз, баҳоримиз,
Ҳони тилларда достон
Шараф ифтихоримиз,
Республикам байроғи.*

Толиб ЙЎЛДОШ.



ТАНИШУВ

БОҒЧА ОПА: — Болажонлар, ҳозир сизга байроғимиздаги ранглар, ой ва юлдузлар узлари ҳақида сузлаб беришади. Марҳамат, диққат қилинг, кулогингизга қуйиб олинг.

ҚИЗ БОЛА: — Мен мовий ранг буламан — юрт осмонининг бир парчаси. Бу — оламда тинчлик булсин деганимдир. Яна мен тип-тиниқ сувга ухшайман. Ахир — ҳаёт оқин дарё-да. Тилагим унинг бағри ҳамиша шаффоф булсин. Ҳеч қачон лойқаланмасин.

ЎФИЛ БОЛА: — Мен қизил рангдурман. Бамисоли томирларда оққан тоза қондурман. Ҳамма-ҳаммани Ватан байроғи остида яшашга, меҳнат қилишга, курашишга чақираман.

ЎФИЛ БОЛА: — Мен оқ рангман. Узим ҳам оқ, кўнглим ҳам оқ, қилар ишларим эса пок. Шунинг учун ҳам мақ-

товим купроқ, узоқ-узоқларни кураин деб, элга «оқ йул» тилаин деб, байроқдан урин олдим ва унда мангу қолдим.

ҚИЗ БОЛА: — Мен яшил рангдурман. У нима дегани? Яшиллик яшариш, яшнатиш, эртанги кунга ишониш дегани. Нону насиба, соф об-ҳаво, соғу омонлик дегани. Орзуларим буюк, юрт ҳамиша яшнаб турсин, дулдул отдек кишнаб турсин.

ҚИЗ БОЛА: — Оймомаман, оймома. Эртақларга бой момо. Кўринишим уч ёки тўрт кунликдир. Ниятларим одамларга туқинликдир. Уй сурсалар уйларига сирдошдурман. Йул юрсалар, ёнларида йулдошдурман. Тинч тунларни тинч кунларга улайман. Ўзбекистон шарафини олам аро сузлайман.

ЎФИЛ БОЛА: — Ун икки юлдуз — ун икки оймиз. Жамласангиз, бир йилга жоймиз. Ким қандоқ яшади, яхшими, ёмон? Ҳеч иккиланмай баҳолаймиз. Яна биз ун икки юлдуз ун икки буржмиз. Ою, қуёш билан ҳаракатдамиз. Фасллар узгаради. Янги кун, янги одамлар тугилади, барида иштирокимиз бор. Биз акс этган юрт Байроғи ҳам, узи ҳам дунё тургунча турсин, деймиз.

43 ХАҚИҚАТИДА ЭСА ОЛМАЯПМИ?

Ушбу руқни остида болалар мактублари эълон қилинган, «ҳеч кимга айтмаган сирларини гапириб, бир оз енгиллашиб олиш»ни истаган ўқувчилар анчагина хат йўллашди. Қуйида навбатдаги дилномаларни эълон қиламиз.

ХҲРОЗНИНГ ЎРНИГА ҚУЁННИ СОТДИМ

Тоғамнинг уғли Равшан билан таътилда қуён боқиб, фойда қурмоқчи булдик.

—Тез купаяди, гушти парҳез, териси узидан ҳам қиммат туради,—дейинди бизга маслаҳат берганлар.

Шундай қилиб ишни бошлаб юбордик. Бироқ биз баъзи қийинчиликларни ҳисобга олмаган эканмиз. Аввало, уларга кенгроқ жой зарур, қолаверса ҳадеб у ербу ерни кавлаб қочиб кетаверар экан. Биз «дом»да турганимиз сабабли уларга шароит яратолмасдик.

—Кел, яхшиси уларни сотиб юборамиз,—таклиф қилди Равшан.

Аммо кимга сотишга келганда бошимиз қотди. Бозорга олиб бормаи шу ернинг узиди харидор топилишини кута бошладик.

Қуёнларнинг бирида узим ёлғиз эдим, тургинчи қаватда яшайдиган Рима опа пасга қараб:

—Сарвар, Равшан қани, хурозини сотмоқчи эди?—деб сураб қолди.

—Э, хурозни нима қиласиз, гушти қаттиқ, бемаза, ундан кура қуённи олинг, парҳез,—Рима опани айнитишга ҳаракат қилдим.

Рима опа охири қуённи олишга рози булди. Мен уз қуёнимни унга бердим.

—Инсофсиз, мен тошган харидорни йулдан урибсан!—жиғибийрон булди Равшан кечга бориб.

Бу сузлардан кейин ноинсофлик қилганим ҳақида уйлаб қолдим. Ва унинг дардисар қуёнини узим сотиб олмоқчи булдим. Лекин у бермади.

**Сарвар ҚОДИРОВ,
Тошкент.**

ЯХШИЯМ АММАМГА АЙТДИМ

Дадам ҳар сафар дукондан иккита нон олиб келиш учун пул берардилар. Бугун ҳам шундай деб уйлаб дуконга югурдим. Сотувчи қўлимдаги майда пулларни олиб қутига ташлади. Бопқаларга нон бериб, навбат менга келганда «Сен биттага пул бердинг-а?» деб суради. Мен: «Иккитага» дедим. (Ростдан ҳам иккитага пул олиб келганимга ишонардим-да) Сотувчи менинг рост гапираётганимга шубҳа қилмай иккита нонни пештахтага қуйди.

—Уйга келдиму, дадамга:

—Нечтага пул бергандингиз?—деб сурадим.

—Биттага!—дедилар қўлимдаги нонларга ҳайрон бўлиб қараб.

Воқеани айтиб бердим. Ва қойил қилгандек мақтов кўлдим.

Йўқ, дадам койиб бердилар, «Ма, дарров гизилаб дуконга олиб бориб бер», дея пўписа ҳам қилдилар.

Кучага югурдим. Йўлда Василя аммам бизникига келаятган эканлар.

—Э, ландовур сотувчини деб роса гап эшитдим, энди пулни бермайман,—дедим зорланиб.

—Йўқ, йўқ, сира ундай қила кўрма, кейин узинга қийин булади, урганиб қоласан-а, бундан ҳам баттарроқ нарсаларга ёлгон ишлатишга тўғри келади,—деб ниятимдан қайтардилар.

«Яхшиям аммамга айтибман» уйладим сотувчидан олқини эшитгач қувониб.

**Ўқтам НАБИЕВ,
Марғилон шаҳри.**

ЎЗИМНИ КЕЧИРА ОЛМАЯПМАН

Адирга, Анвар амакимнинг енига бугдойзор оралаб кета бошладим. Шу пайт узоқда менга тикилиб турган жониворни куриб қолдим. У худди товушқон сингари олд оёқларини кутарганча тик турарди. Қизиги шунда эдики, мен анчагина яқин борсам ҳам нари кетай демасди. Унга уч-тўрт метрлар чамаси яқин бориб кесак олдим. Яна қимир этмади. Шунда, кичкина тош олдим. Тегди. Узиям «пук» этганини эпитдим. Шундагина жонивор эринибгина ортига қайрилдида, тулланган сомонлар ичига

кириб куздан гойиб булди.

У кетди. Амакимга бориб курганларимни айтиб бердим.

—Бекор урибсан,—дедилар афсус билан, бундан ун кунлар аввал уни мен ҳам кургандим. Майда болалари бор. Уларга овқат топгани узоқ-узоқларга боради, галлага сира тегмайди.

Шу кундан бошлаб узимни қандайдир гуноҳкордай сезяпман. Зора, сизларга ёзган мактубим туфайли енгил тортсам.

**Охун МАМАРАЙИМОВ,
Қува тумани.**

ЖИЙДА ГУЛИНИ СЕВГАН АДИБ

Аллақанча вақтдан буён нон ёпилмаган, четлари нурай бошлаган тандиримизга ойим тусатдан ут қаладилар. «Ажабо, волидам нон ётмоқчилар чоғи, унни қардан олдилар экан?» деган уй менга тинчлик берма-са-да, ҳамон сурашга журъат этолмасдим. Ҳатто уй ичидан чиқмай, куймаланиб утиравердим. Орадан қанча вақт утди, билмайман, онам савапта бир дона иссиқ нонни солиб олиб кирдилар.

—Ол, Мақсуджон болам, тобинг қочганга ухшаб турибди, қувват бўлсин,—дедилар.

Мен хуш иси аллақачон хонани тутиб кетпак нонни қулимга олдим.

—Шунча катта тандирга биттагина нон ёлдингизми?—дедим томоғимга алла нарса тиқилиб.

Онам тасдиқлаб, бош иргадилар.

1943 йилнинг машаққатли биринчи қиши ана шундай бошланган эди.

Орадан йиллар утди. Жуда кўп марта оппоқ, бурсилоқ, қаймоқли, жиззали, гуштли нонларни тановул қилдим. Бирок улар уша, болаликда катта тандирга битта ўзи ёпиб пиши-

рилган нон таъмига сира ухшамади. Бу лаззатни болаликнинг қайтарилмас ширин, беғубор дамлари каби қайта топа олмадим...

Халқимизнинг ардоқли ёзувчиларидан бири Мақсуд Қориев узининг болалик хотираларини юқоридаги сузлардан бошлаган эдилар.

«Айиқчалар», «Қалдирғочлар баҳорда келади», «Болаликда», «Қарс икки қулдан», «Она» сингари болаларга бағишланган юзга яқин ҳикоялар муаллифининг ёшлик чоғлари Тошкент яқинидаги Юнусобод қишлоғида кечган. Падари бузрукворла-

ри Дустмуҳаммад қоридиний итларни пухта эгаллаган одам бўлиб, миришкор боғбон булган эканлар. Ёзувчиға дарахтлар тилини билиш, боғлар парваришида миришкорлик, табиатга муҳаббат ота мерос хислат эканлиги рост.

—Дунё бевафо деганлари бе-кор,—дейди Мақсуд ака.—Будунёга келган инсон одамларга яхшилик қилса, табиатни яшнатса, уз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлишни билса, боғроғлар барпо этса, хуллас барча яхши амалларни бажарса дунё унга бевафолик қилмайди.

—Болаликда ким бўлишни орзу қилгансиз?

—Хуқуқшунос бўлишни орзу қилардим. Шу соҳада ишлаб, буш вақтларимда шеър, ҳикоя-

лар битиш ниятим эди, жийда гули исини, майсазорлар, шалолалар, гулдан гулга учиб қунувчи капалакларни, чипирткалар хонишини жуда яхши кўрардим. Институтни битириб, аспирант бўлдим, диссертация ҳимоя қилдим. Шундаям ижодни қанда қилмадим. Бадий адабиётга ихлосим баландлиги сабабми, болалигимда онам Муборак отин айтиб берган эртақ, дostonлар таъсирими, ҳар ҳолда ижодга муҳаббатим устун келиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга таклиф қилишганда йўқ демадим. Бу ҳаракатимни яхшигина шеърлар битиб юрувчи отам ҳам, шоир Маъруф акам ҳам қўллаб-қувватлашди.

—Қаҳрамонларингизни қандай танлайсиз?

—Талабалар ҳаётидан олинган биринчи қиссам «Ойдин кечалар» қаҳрамонларининг ҳаммаси ўз дустларим, уқушдошларим. Булиб утган воқеаларни қаламга олганман. Ҳатто хатлар ҳам ҳақиқий. «Ой тутилган тунда» қиссаси ҳақиқатга таъридан бўлсам, унинг бош қаҳрамони ўз тоғам. Онаминг айтишларича, тоғамни йипирманчи йилларда улдириб кетишган. Воқеалар волидам таваллуд топган Гиштқуприк деган жойда юз беради... «Афросиёбгузали», «Турналар баланд учди» қиссаларим қаҳрамони Дилафруз ҳам ҳаётда мавжуд инсон.

Ёзувчи Мақсуд Қориев ярим асрлик ижодий фаолияти давомида юзга яқин ҳикоя, унга яқин қисса, «Сугд углони», «Ибн Сино» каби романлар битди. Унинг асарлари асосида «Қиз узатиб борганда», «Қалдирғочлар баҳорда келади», деб номланган фильмлар яратилди.

Муборак истиқлол Мақсуд Қориевни кенг миқёсда, эркин ижод қилишига имкон яратди. Унинг маҳсули «Ибн Сино» романи бўлди. Ушбу тарихий асарда буюк табобат султони-нинг диний дунёқарашларига ҳам кенг урин берилган.

Қуйида ана шу асардан парча уқийсиз.



Мақсуд ҚОРИЕВ

Ибн Сино

(Романдан парча)

Ибн Сино туни билан мижжа қоқмай тонг оттирди. Сабабки, аломат бир рисола қулига тушиб қолди. Узи ҳам уйламаган эди бундай бўлишини. Кеча жума масжидга бориб, намоздан чиққач, нима янгиликлар бор экан, деб китоб бозорига утган эди, қадрло-ни Муҳаммад китобфуруш қуярда-қуймай унинг қулига бир рисола тутқазиб:

—Ҳаттотнинг дастхати бироз хунукроқ демасангиз, шу рисола сотиб олингиз, кейин узингиз хурсанд бўлурсиз,—деди.

Ибн Сино китобга разм солатуриб: —Аллоҳнинг муруватидан ургилайким, сизни менга дуст айлади, билурсиз, бунақа китобларим кўпдур, менга қандай рисола зарурлигини яхши билурсиз, очигини айтақолай, бунисини олмайдурмен,—деди.

Муҳаммад ҳайрон: чунки Ибн Синонинг бунақа одати йўқ эди, ҳеч қачон китобдан юз угирмаган. Китобфуруш ҳиёл огасиниб:

—Олинг, арзонга берурмен. Уч дирҳам берсангиз бас, ахир бу сиз учун унчалик ҳам қиммат эрмас-ку,—деб жаврайберди.

Ҳа, савдогар аҳли шунақа булади, уз молини утқизмай қуймайди, агар олмасангиз орқангиздан то остонангизгача эргашиб боради-да, майли пулини кейин берарсиз, деб қулингизга тутқазиб кетаверади.

Бу сафар ҳам ҳадеб китобфуруш хиралик қилавергач, Ибн Сино гумонсираб:

—Олмайман дедиму, ҳаргиз олмайдурмен,—деб қул ситгаб йулига кетмоқчи булган эди.

—Мени авфу этурсиз, тақсир, агар билсангиз ушбу рисола бир мушгипар заифга тегишлидир, ночорликдан сотур,—деди китобфуруш қулини куксига қуйиб.

—Илгарироқ айта қолмайсизми шуни?—деди.

Хуллас, Ибн Сино Муҳаммадга уч дирҳамни тутқазди-ю, китобни қулига қисиб, уйига йул олди.

Кун жуда иссиқ, кўёш кун буйи ҳаммаёқни тандирдек қиздирар эди. Ибн Сино уйга келасолиб, уз хонасига кирди-ю, кийим-бошларини ечиб, естик тортиб бироз тин олай, деб ёнбошлади. Хона ташқарига нисбатан анча салқин туюлди унга. Чарчаган эмасми, кузи кетиб қолибди. Агар укаси Маҳмуд келиб уйғотмаса, ҳали қоронгу тушгунча ухлармиди. Чунки у купинча кундузи бироз мизгиб олиб, кейин кечаси билан ишлашга одатланган.

—Оқшом тушаётганда ухлаб бўлмайди, тур, огир тортиб қолсан, Хусайн,—деди онаси Ситорабону.

—Совугим ошиб кетибдур чамамда, уйқудан куз очолмай қолдим,—деди Хусайн онасига зорлангандай.

—Ҳой Маҳмуд, Хусайнга новот чой қилиб бер, кеча отанг бозордан новотнинг нақ дурини келтирган эдилар,—деди Ситорабону углига меҳрибонлик кўрсатиб.

Бироздан сунг хизматкор чой келтирди. Ака-ука косага новот солиб долига келтирилган чойни мазза қилиб ичишди. Кун қорая бошлади, намозга туришди. Кейин, Ибн Сино бир даста қоғозларни қулига қўйиб уртасига қуйилган катта сурига чиқиб утирди. Отаси Абдуллоҳ ҳали хизматдан қайтмаган,

иштаҳа кузгатувчи ширин бир хушбуй хид тутди, онаси Ситорабону опхонада таом пишироқда эди. Одатда ҳар бир мусулмоннинг хонадонидида бугун жума оқшомида палов дамланади.

Ситорабону хуш-хуррам, қули-қулига тегмайди, ош пиширган, дастурхон тузатган, қарабсизки, бирпасда ҳамма нарса муҳайё. Ҳат-

то бир талай юмуш орасида вақт топиб, пардоз-андозга ҳам улгурди, шу аснода янги қуйлагини кийиб олганини угиллари ҳам, хизматкорлар ҳам сезмай қолишди. Ҳа, ҳадемай эри—хонадон соҳиби, ардоқли угилларининг отаси, Абдуллоҳ келиб қолади.

Хизматкор тарвуз келтириб, икки паллага бўлди-да, коса қилди. Узи ҳам анордек қип-қизил, тарам-тарам, емасангиз ҳам егингиз келади. Новот чой ичгангами, Ибн Сино чанқаб, юраги куйиб турганди, чанқовнинг давоси деб, кунглидан утқазди. Одатда Ибн Сино тарвузнинг тагини қириб ейишни яхши кўрарди, бунақа вақтда Маҳмудга: «Сен тарвузнинг магзини егин, мен тагини қириб сйман», деб қуярди. Хусайннинг бу одатини билгани учун ҳам укаси иштаҳа билан тарвузнинг магзини уйиб ея бошлади. Ибн Сино укасига разм солиб, кейин тарвузнинг хусусияти ҳақида сузлаб кетди:

—Маҳмуд, билурсенму, тарвуз буйракка, жигарга даво эрур. Айниқса, уни еш болалар кўпроқ истеъмол этмоқлари даркордур. Бухоролик деҳқонлар тарвузни қишга сақлашнинг устаси фарангидурлар. Ҳасталик вақтида эмас, тар-

вузни кўпроқ соғлом, қишин-ёзин таваллуд этмоқ кони фойдалур.

Маҳмуд ҳозир еб булган тарвуз палласини бир чеккага суриб:

—Хусайн, анави тоқчадаги китобни қайдан олдингиз?—деб қолди.

—Қайси китоб, ана холос, фармушлик курсин, бозордан уч дирҳамга сотиб олган эрдим. Абу Носир ал-Форобийнинг бир рисоласи эркан.

—Қани буюкка ол-чи!

Маҳмуд тоқчада турган китобни олиб келиб акасига тутқазди.

Ибн Сино шоша-пиша китобни варақлай бошлади-ю, сувга тушгандай жимиб кетди. Энди тарвузни ҳам унутганди.

—Ҳа, Хусайн, рисолада нелар хусусинда ёзибдур?

Акасидан садо чиқмади. Унинг учун ҳозир, шу дамда гўё ҳеч нарса йўқ, бекиёс поёнсиз уммонга чўмиб кетгандай. Борлиқни унутган, анчадан бери излаган, лекин тополмай юрган энг ноёб нарсасига эришгандай, орзусига етиш йулидаги чигал бир жумбоқни ечгандай. Ҳа, бу ҳақиқатдан ҳам Абу Носир Форобийнинг «Илоҳиёт» рисоласи эди. Қизик, жуда ҳам қизик, бу юнон файласуфи Арастунинг айни «Метафизика» китобига ёзилган тушунтириш, ҳа энг мураккаб рисолаи жуда ҳам содда қилиб битилган баени. Ибн Сино Арастунинг «Метафизика»сини бир неча бор қайта-қайта уқиган, ҳатто едлаб ҳам олган бўлса-да, негандир бу ута мураккаб рисолаининг дақиқ томонларини тулалигича тушуниб етолмаган эди.

Давоми бор.

Пугат дафтариингизга

Илоҳиёт—метафизика, арабчада «Мо баъда ат-табиа»

Камбар ОТА

ЮТУҚ ЧИҚСИН

Ҳазил

Уйинларда ютуқ чиқсин,
Машинами ёки гилам.
Энг муҳими бу ҳам эмас,
Шодлик ютай мен бир олам.

Укачаму сингилчамга,
Ақл ҳамда одоб чиқсин.
Еру кукни чарақлатиб,
Хандон кулиб, офтоб

Ойимларга табассумлар,
Қувонч чиқсин дадамларга.
Бу ютуқдан куксим тулиб,
Мақтанайин одамларга.

Бувимларга, бобомларга,
Зур мустақкам соғлик
Акамлару опамларга
Севинч, вақти чоғлик

Истагим шу — ҳар одамга
Бирор яхши ютуқ чиқсин.
Кулгусини унутганга,
Ҳеч булмаса, қитиқ чиқсин.

ТОМЧИЛАР ТАНГАЧА

Ёмғир ёғди тонгача,
Томчилари тангача.
Теварак завққа тулар,
Қикир-қикирлаб кулар.

Томлар чалар ногора,
Ёмғир тугар чучуvara.
Тангалар шилдир-шилдир,
Қувончи бунча мўлдир.

Шодликларнинг мавжида,
Баҳор базми авжида.
Ер ботиб роса лойга,
Айланиб қолди бойга.

Тонгда туриб: «Она ер, —
Делим, — Битта танга бер».

Келгандай будди садо;
«Текин сураш бехуда».

Бир танга-чи аслида,
Ботмон тупроқ тагида.
Ёмғир ёғди тонгача,
Томчилари тангача...

САНЪАТ ЖОНИ-ДИЛИДИР



—Янгилик айтайми Акрамжон?
—Қанақа янгилик?

Балиқчиға телевидениянинг болалар студиясидан ижодий гуруҳ келаркан. «Еттига плюс етти» курсатувини шу ерда суратга олишармиш. Мабодо кушиқларингни эшитишса сени ҳам Тошкентга олиб кетишарди-да. Узиям сендақа истъодларни ахтариб юришадик-ку.

—Куйсангчи дустим, —камтарлик қилди Акрамжон. Улар жудаям зур айтадиганларни суратга олишади. Менга қарашмаса ҳам керак.

Тошкентдан келганлар Акрамжон уйлаганчалик эмас экан. Унинг зукколиги топқирлиги меҳмонларга ёқиб қолди. Улар билан узи севган машҳур хонандалар ҳақида узоқ суҳбат қурди. Меҳмонлар Акрамжонга келажакда машҳур санъаткор бўлиши, бунинг учун тинмай изланиши керак, —дея самимий фикр билдирдилар.

Акрамжон Қушоқов Балиқчи туманидаги Садриддин Айний номли 19-мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Аълочи, жамоатчи, санъат жону-дили. Кушиқларини узиға ҳос гузал қилиб яратишда, ёшиға мос шеърлар танлашда унга устози Зокиржон Юсупов бошқош. Зокиржон Андижон мусиқа билим юртини битириб, она қишлоғи Урмонбёкдаги мактабга ишга келганиға бир неча йил будди. Шундан бери ёш авлодга мусиқа сирларини ургатиб келмоқда.

Акрамжон таълим олаётган мактабда турли адабий кечалар, ҳар ҳил саналарға бағишланган тадбирлар тез-тез утказиб турилади. Ёш хонанда нафақат мактаб, балки туман, вилоят йигинларининг ҳам фаол иштирокчиси. Буш будди дегунча укалари Элёрбек, Дониёрбек, Гулчехраларға қизиқ-қизиқ эртақлар уқиб беради. Ақаси Ақамлжон билан дадаси Иброҳимжон акаға уй ишларида ердاملашади. Дустларининг барчасиға меҳрибон. Шу сабабданми, санъат жони дили булган Акрамжонни ҳам дустлари ҳурмат қилишади.

Суратда: Ёш хонанда Акрамжон Қушоқов, устози Зокиржон Юсупов ва созанда Муҳаммад Ҳамракуловлар билан.

Нилуфар ДАВИДОВА.

Муаллим минбари

Ёзги таътил кунлари ҳам яримлаб қолди. Мактаб ҳовлиси, янги ўқув йилиға тахт қилиб қуйилган синф хоналари бум-буш. Буюк иси анқиб турган йулакдан кета туриб, утган ўқув йилимиз, қулға киритган муваффақиятларимиз, йул қуйилган айрим камчиликларимиз ва муаммоларимиз ҳақида беихтиёр уйлаб кетдим. Менимча, ҳозир айнан ана шундай, қилинган ишларни баҳолайдиган, камчиликлардан хулоса чиқарадиган, шунингдек, янги ўқув йилида қилинажак ишлар режасини тузадиган вақт.

Назаримда, 1995-96 ўқув йилида эришган ютуқларимиз чакки булмабди. Мактабимизда 500 нафар уғил-қиз таҳсил олади. 40дан зиёд малакали муаллимлар уларға таълим-тарбия беришади. Уқувчиларимиз орасида иқтидорли, билимға чанқоқ ёшлар талайгина. Улар туман, шаҳар, вилоят ҳамда республика миқёсидаги курик-танловлар, фан олимпиадалари, слётларнинг фаол иштирокчилари булиб келишяпти. 10-синфда таҳсил оладиган Гузал Норчаева исмли қизимиз иқтидорли ўқувчиларнинг вилоят танловида 1-уринни қулға киритган булса, республика миқёсидаги слётда ҳам иштирок этиб, фахрли уринлардан бирини эгаллаб қайтди. Вилоят миқёсида тарих фанидан утказилган олимпиадада 11-синф ўқувчиси Фахриддин Султонов пухта билими-ю уткир зеҳни билан тенгдошларини ҳайратда қолдирди.

Муаллимларимизнинг қулға киритган ютуқлари ҳам мақтаса мақтагудек. Меҳнат таълими фани

ўқитувчиси Ҳасан Тухтаев туманда утказилган «Йил ўқитувчиси» курик-танловида иштирок этиб, ғолиб чиқди. Ҳозирги кунда вилоят миқёсидаги курик танловға қизгин ҳозирлик қуриятти. Кургазмали куруллар курик-танловида иштирок этган география фани ўқитувчиси Шодмонқул Гойибов ҳамда бошланғич синф ўқитувчиси Нодира Умарованинг ишлари ҳам 1-уринға муносиб топилди.

Мактабимиз қошида унча катта булмаган ёрдамчи хужалигимиз бор. 40 бошдан зиёд куй-эчкиларимизни болаларнинг узлари парвариш қилишади. 3 сотихли иссиқхонамизда етиштирилган помидор кучатларини атрофдаги аҳолиға сотдик. Улардан келадиган даромад мактабимизнинг ҳисоб рақамиға тушди. Пулнинг бир қисмиға спорт анжомлари, устахона учун асбоб-ускуналар сотиб олдик. Меҳнат таълими ўқитувчиси Ҳасан Тухтаев ва Қора Мирзаевларнинг саъй-ҳаракатлари билан ёғоч уймакорлиги, дурадгорлик, чилангарлик каби тугарақлар ташкил қилинган.

Келгусидаги режааримиз ҳам тайин. Муъжазгина музейимизни янада кенгайтириш, кулолчилик, қандолатчилик сингари тугарақлар ташкил қилиш ниятидамиз. Ёрдамчи хужалигимизда куён ва парранда боқишни ҳам мулжаллаяпмиз.

Ютуқларимиз узимизники, янги-янги муваффақиятларни қулға киритиш учун эса, астойдил меҳнат қилиш, изланиш ва интилиш лозим.

Хонали ФАЙЗИЕВ,
Қашқадарё вилояти, Усмон Юсупов
туманидаги Йўлдош Курбонов номли
мактаб директори.

Ютуқларимиз
Ўзимизники

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттакурғон театри жамоаси Ёрқин қаламиға мансуб «Йиртқич бури панд еди» спектаклини сахналаштириб, ёзги таътил кунларида болаларни хушнуд қилди. Равшан Ёриев режиссерлик қилган бу спектаклда асосий

роллари таниқли актёрлар билан бирға болалар студиясининг бир гуруҳ қатнашчилари ҳам ижро этишган.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Навоий вилоятидаги Фарҳод номли маданият саройи болаларнинг севимли масканларидан бири. Бу ердаги халқ театри жамоаси «Эртақлар оламиға саёҳат» деб номланган янги дастур тайёрлади. Бунда болалар ўзбек, рус халқ эртақлари қахрамонлари билан учрашадилар, уларнинг қувноқ саргузаштларига шерик буладилар.

ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ҚУВОНЧИ

Жиззахлик ёш томошабинлар яқинда Юнус Ражабий номидаги вилоят театри жамоасидан ажойиб совға олдилар. Бу Ҳасан Убайдуллаевнинг қаламиға мансуб «Мангулик йўлдоши» номли сахна асари эди.

Болалар тилеғламалик, бировнинг кўнгли учун ёлғондан мақташни билишмайди. Томоша маъқул булса, қарсақлар билан қарши оладилар, ёқмаса, уринларидан туриб, чиқиб кетишлари ҳам мумкин. Иқтидорли режиссер Илҳом Норматов сахнаға қуйган ушбу асар эзгулик, инсоний туйғулар, дустликни тараннум этувчи қувноқ куй ва кушиқларға бой булганлиги учун ҳам кичкинтой томошабинларға жуда ёқди. Спектаклда асосий ролларни ижро этган Гулнора Уринова, Санобар Алиева, Раъно Абдуллаевалар учун бундан ортиқроқ баҳо булмаса керак.

Оқтовнинг эрка билбули

...Энг гузал кушиқлар табиат куйида яралади. Баҳор чоғи Оқтовнинг суюкли қизлари — лолаларға лабингни бос: уларда қушиқ. Майсаларға бағрингни бериб тингласанг, чечакларда қушиқ, сувларда қушиқ... Оқтовнинг қушиқлари бир дарё, куйлаган одамни ҳам куйлатиб юборади.

Шунинг учун ҳам Шокиржон: «Менинг устозим, илҳомчим мана шу узимизнинг Оқтов», — дейди кузларида ёниқ меҳр билан.

Шокиржон Номозов ҳали ўқувчи. У Каттакурғон туманидаги Муҳаммадқул Жомурод уғли Пулкан номли 74-урта мактабнинг 9-синфини битирди. Анча ёш бўлишиға қарамай, купчиликнинг оғзига тушиб, меҳрини қозонди. Мусиқаға, кушиққа булган беқиёс иштиёқи уни шу йўлда бориб, тинмай меҳнат қилишиға ҳамда «қушиқчи бола» булиб танилишиға сабаб булган булса ажаб эмас.

— Ҳа, бу қушиқчи ўғлимнинг ширали овози одам-ку одам, тошни ҳам эритиб юборади, — дейди мактаб директори Нормат ака Мирзаев. — 9-синфни битиргач, ота-онаси билан маслаҳатлашиб, Тошкентга жунатмоқчи эдик, билмадим, негадир кунмади. У ёққа бориб, катта ҳофиз булиб кетармиди...

— Тошкентга нима сабабдан бормадинг? — деб сураганимда, «Оқтовға, тоғу тошларға урганиб қолганман, шаҳар менга турри келмайди», — деб жавоб берди Шокиржон.

Тошлардан тошларға урилиб, сувлар оҳангига қушилиб жаранглаётган қушиқ барчани узига маҳлиё айлаб, вақтни ҳам, учётган қушларни ҳам бир зумға маст қилиб қуяди гуге...

Оқтов эса янада гузалроқ, мавжироқ оҳангларға бурканаркан. узига қушилиб куйлаётган қушиқчисини маҳкамроқ бағриға тортади. Сиз ҳам қалбни чертиб — чертиб куйлаётган Шокиржонни тингласангиз эди, унинг катта қушиқчи булиб кетишиға албатта ишонган булардингиз.

Мен ҳам Шокиржонга, «Куйлайвер, эй Оқтовнинг эрка булбули, кушигингга жур булсин, шу кўхна Оқтов» дея улкан омадлар тилагим келди.

Қахрамон ЭШМУРОДОВ.

TONG YULDUZI
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси
Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир хайъати: Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА.
ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г -0377. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишға топириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25